



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 4 июнь, № 107 (6037)

Чоршанба

## ИЛГОР МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИХЧАМ УСКУНАЛАР

халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаларда кенг намойиш этилмоқда



Кеча “Ўзэксломарказ” мажмуасида агросаноат учун минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг “Uzbekistan Agrominitech Expo – 2014” IX Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг “Uzbekistan Agrotechmash Expo – 2014” III Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси иш бошлади. Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермерлар кенгаши томонидан ташкил этилди.

АГРОСАНОАТ



Кўргазма-савдонинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли унинг барча тармоқлари барқарор ривожланиб, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланаяпти. Айни пайтда қайта ишлаш корхоналарига зарур миқдорда хом ашё етказиб берилиши баробарида, экспорт кўрсаткичлари ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг

биринчи чорагида сабзавот етиштириш ҳажми 10,8 фоиз, гўшт — 6, сут — 6,7, тухум — 13,5 фоиз ошгани, қорамоллар умумий сони 4 фоиз ўсиб, 10,6 миллион бошни ташкил этгани тизимда қўлга киритилган ютуқларга яққол мисолдир.

Президентимизнинг 2006 йил 24 августдаги “Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғриси-

да”ги қарорига мувофиқ, анъанавий тарзда ташкил этилаётган мазкур кўргазма-савдо фермер ва деҳқонларнинг замонавий минитехнологиялар, ихчам ускуналар ҳамда бошқа техника воситаларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, у хорижнинг илғор тажрибаси билан яқиндан танишиш, тежамкор ва самарали технологияларни ўзлаштириш имконини бераётир.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа

### сатрларда

● Қорақалпоғистон Республикаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида чет тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилди.

● Андижонда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари ўртасида ўтказилган “Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази” республика кўрик-танловининг вилоят bosқичида жа-

моалар ўзларининг иш фаолиятига оид кўргазмаларни намойиш этиб, интернетга кириш, маълумотлар олиш, веб-сайтлар ҳамда электрон почтадан фойдаланиш борасидаги билим ва малакасини синовдан ўтказди.

● Фалларол ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежида Жиззах вилояти ҳокими С. Исмоилов бир гуруҳ иқтидорли ёшлар билан учрашди. Тадбирда тумандаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида тахсил олаётган, турли соҳаларда меҳнат қилаётган 300 нафардан зиёд йигит-қизлар иштирок этди. Бундай учрашувлар Арнасой ҳамда Бахмал туманларида ҳам бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида пойтахтимиздаги касб-хунар коллежлари битирувчилари учун “Очик эшиклар куни” тадбири уюштирилди. Унда ижо-

дий устоналар, ахборот-ресурс маркази, ётоқхона, спорт иншоотларида талаба-ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида ўқувчиларга батафсил маълумот берилди.

● Тошкент ахборот технологиялари университетиде алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари учун навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Олий ўқув юртлири талабалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари АКТ соҳасидаги ярмаркада тақдим этилган 500 дан зиёд бўш иш ўринлари билан танишди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## «Венгрия ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида

ҳамкорлик қилиш учун яхши имкониятларга эга»

Шу йилнинг 5-6 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференцияда иштироки олдиан Венгрия Қишлоқ хўжалиги палатаси (Hungarian Chamber of Agriculture) вице-президенти Имре Хубай “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига интервью берди.

— Бўлажак халқаро анжуманининг биринчи секцияси йиғилишида озиқ-овқат маҳсулотлари глобал ишлаб чиқарилиши ривожланишининг тамойиллари муҳокама этилади. Унда халқаро кўргазмаларда қатнашиш воситасида гулчилик, боғдорчилик ва узумчилик соҳаларида маҳсулотларга бўлган талабни қулайтириш имкони-

ятлари, шунингдек, бу мақсадларга эришилишида Ўзбекистоннинг захиралари ва имкониятларини жалб этиш йўсинлари кўриб чиқилади. Мен мазкур секция йиғилишида сўзга чиқаман. Шу боис ушбу халқаро анжуманда асосий мавзуга алоқадор бўлган Европа тажрибасини, шу жумладан, Венгрия тажрибаси ва амалиётини

намойиш этиш жуда муҳим, деб уйлайман.

Глобал бозорда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақият келтиради. Утмишда ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай. Ўзбекистонда ҳар йили 12 миллион тонна био сабзавот ва мевалар ҳамда полиз маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши хорижлик импорт

қиливчиларнинг алоҳида эътиборини тортади. Бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб доимий равишда ўсиб бораётган бўлишига қарамастан, асосий эътибор уларнинг ялли ишлаб чиқарилишига эмас, балки юқори сифатга қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



“ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ЗАХИРАЛАРИ” ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНСИЯСИ

### ДАВРА СУХБАТИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун кучга кирди. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 78-моддасидаги қўшимчага мувофиқ, парламент назорати институтига конституциявий мақом берилди.

## Парламент назоратининг ҳуқуқий асослари

Бу эса халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини рўйбга чиқариш механизми ва ҳуқуқий қафолатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, миллий парламентаризмнинг конституциявий асослари ривожлантирилишида муҳим ўрин тутади.

Олий Мажлис қуёи палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўми-

таси томонидан ташкил этилган “Ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан амалга ошириладиган парламент назорати институтининг аҳамияти” мавзусидаги давра суҳбатида ана шулар ҳақида сўз борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш маркази мутахассислари, Тошкент давлат юридик университети вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## Ёш авлод тарбияси ва масъулият

Оилада фарзанд дунёга келса, бу — ота-она учун катта бахт. Шу билан бир қаторда, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш масъулият ҳамдир. Айни чоғда бу жамият ва давлатнинг доимий эътиборидаги устувор масала ҳисобланади.

### 2014 йил — соғлом бола йили

Бугунги кунда мазкур йўналишда амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар айнан келажакимиз эгалари — фарзандларимизнинг эртанги қуни порлоқ бўлишини таъминлашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб эълон қилар экан, соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб улғайиши кўпгина талаб ва омилларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Оилаларни мустаҳ-

камлаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, таълим ва спортни ривожлантириш, ушбу соҳалардаги давлат сибсатини кучайтириш, маҳалланинг родини ошириш каби жиҳатлар ана шулар жумласидандир. Юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданок мана шу йўналишларни ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга изчил татбиқ этиб келинаётир.

(Давоми 2-бетда).

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур ассоциация аъзолари ва таъсисчилари, қатор вазирлик ҳамда идоралар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

## ННТ: ЯКДИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

Тадбир ассоциация томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоби, мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти, истиқболдаги устувор вазифалари, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеини янада ошириш, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа соҳаларда ижтимоий шерикликни ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида, хусусан, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга хизмат қилувчи давлат дастурлари ижросини таъминлашда фаол қатнашмоқда. Фуқаролик жамиятининг барқарор институти ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишда, аҳоли бандлик қилиш жараёнида, кўтариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёшлар таълим-тарбияси каби долзарб йўналишларда самарали иш олиб бораётир. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ўз аъзолари салоҳиятини оширишга эътибор қаратиб, уларнинг манфаатларини илгари сурган ҳолда, саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирмоқда. Ўз навбатида, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга

ратик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган мақсад ҳамда вазифаларни рўйбга чиқаришда фаол иштирок этаяптики, бу нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти қўламини янада кенгайтиришга катта туртки бўлди. Концепция доирасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, уларнинг давлат органлари билан ижтимоий шериклигини, жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштирокини кучайтиришга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда таомилларни такомиллаштиришга қаратилган кенг миқёсли дастурларнинг амалга оширилиши ННТнинг жамият ва давлат бошқаруви ишларидаги родини мустаҳкамлади.

Хусусан, уч мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида жойларда “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқилиги тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ва ижтимоий аҳамиятга эга бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича жамоатчилик муҳокамалари ўтказилди.

Охириги уч йилнинг ўзига марказда ва худудларда мингга яқин тадбирлар, жумладан, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ташкил этилди. 2012 ва 2013 йилларда вилоятларда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг худудий, пойтахтимизда эса Миллий форумлари бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).



ИНТИЛИШ

Шовотлик тadbиркор Шухрат Хожимуродовнинг нафақат мамлакатимизда, балки Хитой, Жанубий Корея, Япония, Хиндистон каби давлатларда ҳам ўз ҳамкорлари бор.

СУВ ЁНҲОҒИ ХОРАЗМ ИҚЛИМИГА МОСЛАШДИ

У пойтахтимизда аънавий тарзда ўтказиладиган халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида фаол қатнашиб, ана шундай имкониятга эга бўлди. Гап шундаки, "Шовот бўёни" агрофирмасида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида озқоқат саноати, тиббиёт, косметология ва бошқа соҳаларда кенг қўлланиладиган доривор гиёҳлар еттиштирилади. Жамоа томонидан ўтган йили 40 минг АҚШ долларилик маҳсулот ташқи бозорга сотилган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткични 450 минг долларга етказиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, тadbиркор Хоразм қовунларини экспорт қилиш чора-tadbирларини ҳам ишлаб чиқмоқда. Бундан ташқари, агрофирма мутахассислари "Ўзфармасаноат" акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Жанубий Кореядан келтирилган сув ёнғоғи ўсимлигини маҳаллий иқлимга мослаштирди. Ушбу ноёб ўсимликдан келгувчида қандли диабет касаллиги билан оғриган беморлар учун экспортдоп дори-dармон воситалари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Ойбек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Табиатнинг бебаҳо неъматлари

Уларни асраб-авайлашга барчамиз масъулмиз.

Пойтахтимизда 5 июнь - Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Экохафталик - 2014" экологик лойиҳаси ўз ишини бошлади.

ЭКОХАФТАЛИК

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, инсоният мустақам ва соғлом экологик муҳитдагина барқарор равишда ривожланиши мумкин. Юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлашга энг долзарб масала-лардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ана шунда. Дарҳақиқат, мутақиллик йилларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга эришиш йўлида, энг аввало, соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилиб, жумладан, "Табиатни муҳофаза қилиш тўрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Аънавий равишда ўтказиб келинаётган экологик хафталик ҳам мазкур ҳужжат ижросига йўналтирилган бўлиб, бундан қўзғалган асосий мақсад кенг жамоатчилик эътиборини экологик муаммоларга қаратишдир. Негаки, Орол денгизининг қуриши, биологик хилмаҳилликнинг камайиб кетиши, чўлланги, сув ва ер ресурсларининг таназзулга учраши, саноат ҳамда бошқа турдаги чиқиндиларнинг катта ҳажмда ҳосил бўлиши каби минтақа-

вий ва умумжаҳон муаммоларининг келиб чиқишига, асосан, инсон омили сабаб бўлмоқда. Мутахассислар фикрича, бунинг олдини олишда экологик таъминоти такомиллаштириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш мумкин аҳамиятга эга. Шунинг учун бу галги хафталик дастуридан долзарб мавзулардаги ёшлар анжуманлари, семинар-тренинглари ўрин олган. Бундан ташқари, чиқиндисиз технологиялар жорий қилинган йirik саноат қорхоналари, табиий ресурслардан оқилона фойдаланилаётган фермер хўжалиқларида ташрифлар уюштирилиши, Тошкент, Қарши ва Нукус шаҳарларида илмий-амалий конференциялар, шунингдек, ёшларнинг экологик акциялари ва танловлари ўтказилиши мўлжалланган. Зеро, атроф-муҳит мусофиллигини таъминлаш, табиат неъматларини келгуси авлодларга безавол етказиш инсоният зиммасидаги энг масъулюятли вазифадир. С. ИБОДУЛЛАЕВ.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИА ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚўМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РўЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТўҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 28 МАЙДАН 30 МАЙГАЧА БўЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилиши:
1. Ўзбекистон Республикаси банк-лашди аудит текширувларини ўтказиш тўғрисидаги низомага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида...
2. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жинсий фольадилан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни мелиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қордаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида...
3. Тижорат банклари балансида турган алоҳида объектларни сотиш тартиби тўғрисидаги никоми тасдиқлаш ҳақида...
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви 2014 йил 19 апрелдаги 12/13-сонли қарори.
2014 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилиши, рўйхат рақами 982-1 (2014 йил 2 июндан қўра кирди).
5. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жинсий фольадилан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни мелиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қордаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида...
2014 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилиши, рўйхат рақами 1020-2 (2014 йил 2 июндан қўра кирди).
6. Тижорат банклари балансида турган алоҳида объектларни сотиш тартиби тўғрисидаги никоми тасдиқлаш ҳақида...
2014 йил 28 майда рўйхатдан ўтказилиши, рўйхат рақами 1360-3 (2014 йил 2 июндан қўра кирди).

Бекор қилиниши ва ижродан чекрилиши:
1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махус таълим вазирининг 2000 йил 15 ноябрдаги 307-сонли буй-руғи билан тасдиқланган Олий таълимнинг сиртки ўқув шакли тўғрисидаги мувақат низоми.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.
«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 9 июль кўни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчас масулқлар қўйилмоқда:
I. Суд департаментининг Фарғона вилояти худудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 30 январдаги 1-29/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган:
1. Фарғона шаҳри, Баҳор қўчасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 1434,27 кв.м., фойдаланиш майдони 448,2 кв.м. бўлган чойхона ва савдо дўкони («Кўксарой» тўйхонаси) бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 1 068 097 082 сўм.
2. Фарғона шаҳри, Баҳор қўчасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 543,46 кв.м., фойдаланиш майдони 464,38 кв.м. бўлган новвойхона ва сомсахона («Чинор» чойхонаси) бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 413 876 624 сўм.
3. Фарғона шаҳри, Қашқар қўчаси, 1-ўйда жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 1372,31 кв.м., фойдаланиш майдони 615,35 кв.м. бўлган «Ёшлар маркази» биносининг 1/2 қисми клуб бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 367 631 658 сўм.
4. Фарғона шаҳри, Саноат (аввалги У. Юсупов) қўчаси, 78-ўйда жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 320,16 кв.м., фойдаланиш майдони 996,09 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган 3 қаватли савдо-маншиш хизмат кўрсатиш мажмуаси бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 413 903 516 сўм.
5. Фарғона шаҳри, Баҳор ва Қ. Ниёзий кўчалари кесилишмасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 859,12 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган савдо ва майшиш хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 206 678 235 сўм.
II. Бувайда тумани СИБ томонидан ФИБ Қўқон шаҳар судининг 2013 йил 28 августдаги 1956-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани,

Аукцион савдолари билан боғлиқ барча масала юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович қўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 19-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99899) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қашқадарё вилоти филиали
Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.
1. Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан ЖИБ Фўзор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланиб, давлат фойдасига мусодара қилинган, Китоб тумани, Собир Раҳимов қўчасида, жойлашган, умумий ер майдони 3227,0 кв.м., қурилиш майдони 764,81 кв.м. бўлган «Китоб» меҳмонхонаси.
Бошланғич баҳоси — 217 576 000 сўм.
2. Аукцион савдосига Фўзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилоти судининг 2010 йил 10 майдаги 2-32-09/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фўзор тумани, Собир Раҳимов маҳалласи, Охунбобоев қўчасида жойлашган, умумий майдони 20200,0 кв.м., қурилиш майдони 6480,36 кв.м., қурилиши тугалланмаган «Фўзор ипак йўли» савдо мажмуаси такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 1 197 676 700 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 20 июнь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 18 июнь кўни соат 18.00.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сирдарё вилоти филиали
Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.
1. Аукцион савдосига Сардоба тумани СИБ томонидан Сирдарё вилоти хўжалик судининг 2013 йил 29 июлдаги 12-1106/6221 (27.1)-сонли, 2011 йил 11 июлдаги 12-1106/6236 (27.1)-сонли, 2011 йил 11 июлдаги 12-1106/6238 (27.1)-сонли ва 2011 йил 11 июлдаги 12-1106/6243 (27.1)-сонли, 2011 йил 11 июлдаги 12-1106/6238 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сардоба тумани, Пахтаобод шаҳарчаси, Шарқ қўчасида жойлашган, «Пахтаобод пахта тозалаш» ОАЖга тегишли идора биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 398 647 401 сўм.
2. Аукцион савдосига Сардоба тумани СИБ томонидан Сирдарё вилоти хўжалик судининг 2013 йил 29 июлдаги 12-1106/6221 (27.1)-сонли, 2011 йил 11 июлдаги 12-1106/6243 (27.1)-сонли, 2011 йил 11 июлдаги 12-1106/6238 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сардоба тумани, Пахтаобод шаҳарчаси, Шарқ қўчасида жойлашган, «Пахтаобод пахта тозалаш» ОАЖга тегишли ошхона биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 193 057 836 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 8 июль кўни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ
Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.
Аукцион савдосига АТИБ «Ипотека-банк» Фарғона вилояти филиали балансидаги Учқўприк тумани, «Учқўприк» ҚФЙ, Учқўприк қишлоғи, Ҳамид Олимжон қўчасида жойлашган, «Valley mountains fresh» МЧЖ тасарруфидаги консерва заводининг бир қисми қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 7 557 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 30 июнь кўни соат 10.00 да бўлиб ўтади.
Талабгорлардан савдога қатнашиш учун аризалар 2014 йил 27 июнь кўни соат 17.00 гача қабул қилинади.
Мазкур мулк 2014 йил 30 июнь кўнидаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 16 июль кўни соат 10.00 да бўлиб ўтади. Шунингдек, такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш савдо санасидан бир кўн олдин 18.00 гача қабул қилинади.
Савдога қўйилган объект ва унинг ҳужжатлари билан савдо ташкилотчиси ёки АТИБ «Ипотека-банк» Фарғона вилояти филиалида бевосита танишиш мумкин.
Аукцион савдосида қатнашиш истигадида талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 0,5 фоизи микдоридаги закатат пулини тўлов ҳужжатида объектнинг номи кўрсатилган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Effect real group» МЧЖнинг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари керак: 20208000704943278001, СТИР: 302128329, МФО: 00500.
Тўловнинг асосий шартлари:
Сотиш билан боғлиқ банк харажатларини тўлаш ва сотиб олувчи томонидан олдиндан 15 фоиз тўловни шартнома имзоланган санадан бошлаб 30 банк иш кўни ичида амалга ошириш, қолган 85 фоиз тўловни сотувчи билан ўзаро келишувга асосан амалга ошириш шарти мавжуд.
Бошқа шартлари: 15 фоиз олдиндан тўлов амалга оширилган сўнг сотиб олувчига объектни тасарруф этиш ҳуқуқисиз эгаллик ҳуқуқини расмийлаштириш ҳамда мазкур 15 фоиз микдордаги тўлов гаров деб ҳисобланади.
Аукцион савдосида қатнашиш истигадида талабгорлар: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нуҳсаси, хоржий юридик шахслар — улар уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нуҳсаси, хоржий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси билан хаборномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нуҳсасини тақдим этадилар. Талабгор буюртманома бериш ва савдога ҳамда савдо натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар ваколатли вакил томонидан қатнашганда ҳамда имзоланган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.
Талабгорлар барча савдолар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний қўчаси, 43-уй.
Телефон: (+99 895) 404-54-84.
«Effect real group» МЧЖ.
Хизматлар лицензияланган.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Шайхонтохур тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Мичурин дала-хўвличилар» худудида жойлашган пешайвон (терасса), ертўла, айвон, шийпон (беседка), бассейн ва ёзги ошхоналардан иборат 67-сонли дала-хўви такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 98 387 120 сўм 50 тинин.
Аукцион савдоси 2014 йил 20 июнь кўни соат 12.00 да бўлиб ўтади.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Бухоро вилоти филиали
Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилоти бошқармаси томонидан Бухоро вилоти ЖИБ судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:
1. Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд қўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли «Орзу» уй-жой мулклик мажмуаси.
Бошланғич баҳоси — 3 043 791 382 сўм.
2. Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ худудиде жойлашган, умумий майдони 1 гектар бўлган иссиқхона.
Бошланғич баҳоси — 910 781 557 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 19 июнь кўни соат

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш қўчаси, 1-«А» уй.
Тел./факс: (8-375) 228-79-52. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик қўчаси, 10-уй, 4-қават.
Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОХОТ

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлар асосида яратилган, жаҳон тажрибасида "ўзбек модели" дея эътироф этилган, миллий аъёнларга ва илгор хорижий андозаларга уйғун малакали кадрлар тайёрлаш тизими ўзининг кенг қамровлиги билан бугунги кунда мамлакатимизнинг ёрқин ва буюк келажигини барпо этишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ушбу тизим, биринчи навбатда, юксак маънавиятли, ўзининг мустақил фикрига эга, замонавий билим ва технологияларни ўзлаштиришга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини яққол ифодалайди.

Тест синовлари:

ЯНГИЛИКЛАР,

Биласиз, юртимизда 1992 йилдан бошлаб олий таълим муассасаларининг бакалавриятига қабул қилиш тест синовлари асосида амалга оширилмоқда. Бу қобилиятли ёшларни танлаб олишда муҳим аҳамият касб этапти.

Тест технологиясини ривожлантириш, замонавий талабларга мос, абитуриентларнинг билим даражасини ҳолисона баҳолаш ва танлаш имконини берадиган ягона тест топшириқлари базасини шакллантириш Давлат тест маркази олдида турган асосий вазифадир. Айтиш жоизки, йилдан-йилга ушбу синов усули муттасил такомиллашиб бораётди. Ёшларнинг билим даражасини, мустақил фикрлаш қобилиятини, тафаккур имкониятларини ҳолисона баҳолашга қаратилган юқори сифатли тест топшириқларининг кенг қўлланилган жамғармасини яратиш натижасида кўп вариантли тизим вужудга келди. Кейинги йилларда эса ҳар бир абитуриент учун индивидуал вариантли тест тизимига ўтиш йўлга қўйилди.

Бу йил олий таълим муассасаларида таълим ва касб йўналишларига кўплаб янгиликлар киритилди, кириш имтиҳонлари тизимида айрим ўзгаришлар жорий этилди. Президентимизнинг 2014 йил 30 апрелда қабул қилинган Республика олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини янада такомиллаштиришга оид қарори бу борада муҳим дастурий амал бўлмоқда.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Таълим муассасаларига қабул қилиш давлат комиссиясининг 2014 йил 1 майда бўлиб ўтган йўналишида тегишли масалалар муҳокама этилди.

диган дарсликлар рўйхати берилган.

Тест синовларига киритилган яна бир муҳим янгиликлардан бири йўналишлар бўйи-

ЎЗГАРИШЛАР,

ҚЎШИМЧАЛАР

ча тест синови топшириладиган лекцияси ва уруғчилик, "Зоотехния" (турлар бўйича), "Ветеринария" ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Жорий этилаётган мазкур янгиликлар абитуриентлар билим даражасини ҳолисона баҳолашда мутахассисликка оид фанларнинг роли ва аҳамиятини сезиларли равишда ошириш имконини беради.

Шундан келиб чиқиб, математика фани бўйича тест саволлариغا информатика ва ахборот технологияларига доир савол ҳамда топшириқлар киритилмоқда. Бунда математика бўйича тест топшириқлари сони 30 та, информатика ва ахборот технологиялари бўйича эса 6 тани ташкил этади. Тест синовлари топшириладиган жами 168 та йўналишнинг 108 та савол қадан тест синови киритилган бўлиб, жорий этилаётган бу янгилик барча 108 та йўналишга ҳам тааллуқлидир.

Шу ўринда информатика ва ахборот технологиялари фанидан тест синовига тайёргарлик кўраётган абитуриентлар диққатига бир жihatни айтайти ўтмоқчи эдикки, Давлат тест марказининг расмий веб-сайти (www.dtm.uz)да олий таълим муассасаларига кирувчилар учун информатика ва ахборот технологиялари фанидан тест топшириқларининг дастури эълон қилинган. Шунингдек, информатика ва ахборот технологиялари фанидан фойдаланила-

ришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 22 йўналиш бўйича мутахассисликка оид фанлар қайта қўриб чиқилди.

Пировардида жорий йилдан физика асосий мутахассислик фани бўлган таълим йўналишлари сони бештадан йигирмага кўпайтирилди. Булар, масалан, "Механика", "Геофизика", "Кончиллик иши", "Нефть, газ ва кимё саноти технологияси", "Электротехника, электромеханика, электр технологиялари" йўналишларидир.



Биология асосий фан сифатида ўқитиладиган таълим йўналишлари сони ўн саккизтадан йигирмага кўпайди. "Қишлоқ хўжалиги экинлари се-

лияти, дунёқароши, тест синовлари ўқитиладиган фанларни қанчалик чуқур билишини аниқлашга қаратилган тест саволларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада давлат таълим стандартлари доирасида замонавий талабларга мос, олий таълим муассасаларига ўқишга киришни истаган ёшларнинг билим даражасини ҳолисона баҳолаш ва танлаш имконини берадиган ягона тест саволлари базаси шакллантирилди.

Олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибига критиклаётган ўзгаришлар ҳақидаги ахборот, информатика ва ахборот технологиялари бўйича тест саволлари ҳамда вазифалари дастурлари, таълим йўналишлари бўйича тест ўқитиладиган фанлар рўйхати ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ваколатли давлат органлари сайти, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг сайти орқали абитуриентлар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларига етказилди.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсақ, таълим-тарбия тизимини сифат ҳамда самарадорлик жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш бугунги кунда олдимизда турган энг устувор вазифадир. Бу борада жорий этилаётган ўзгариш ва янгиликлар ёшларимизнинг порлоқ истиқболига хизмат қилаётгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори.

Касаба уюшмалари — болаларга

Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан "Касаба уюшмалари — болаларга" акцияси ташкил этилди. Унга кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари ва Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф қилинди.

АКЦИЯ

Тадбирда болажонларга касаба уюшмаларининг махсус совғалари улашилди. Хусусан, Мехрибонлик уйлари 2 минг нафар тарбияланувчиси ва кам таъминланган оилалар фарзандлари, 500 нафар иқтидорли ўғил-қизга болалар соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланмалар берилди. Айни чоғда кам таъминланган оилаларнинг 50 нафар фарзандига совғалар ҳамда истироҳат боғлари ва театрларга имтиёзли чипталар топширилди.

учун Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар уюштирилди. 7 минг нафар ўғил-қизлар эса музейлар, кўғирчоқ театрлари, ботаника, хайвонот, маданият ва истироҳат боғларига бўлиб, мароқли хордиқ чиқаришди. Шу билан бирга, ҳудудлардаги 14 та Мурувват ва Мехрибонлик уйларига компьютер жамланмалари берилди.

Маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ҳам уюштирилди. Жумладан, пойтахтимиздаги "Истиклол" санъат саройида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларига мўлжалланган концерт дастури ҳамда Мурувват уйлари тарбияланувчилари ўртасидаги спорт мусобақаларининг республика босқичи юқори савияда ўтказилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Коллеж ўқувчиларига велосипедлар топширилмоқда

Сирдарё туманидаги "Малик" агросаноат касб-хунар коллежи ҳовлисида велосипедлар топширилди. Гап шундаки, бу ерда тахсил олаётган 20 нафар ўқувчи дарсларга велосипедларда қатнай бошлади.

ТАШАББУС

Шунингдек, Сайхун-обод sanoat коллежининг шунча ўқувчисига ҳам ҳомийлар томонидан велосипедлар топширилди. Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасидан маълум қилишларича, ҳадемай яна 400 нафардан зиёд ўғил-қиз шундай қулай транспорт воситасига эга бўлади.

Этиборли жиҳати, жорий йилда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан 8 та касб-хунар коллежи "Исузу" автобуслари билан таъминланди. Натижада 1,5 мингдан зиёд ўқувчининг дарсларга келиб-кетишига зарур қулайлик яратилди. Шунингдек, бундай ўғил-қизлар учун жамоат транспортарида йўл ҳақи миқдори элик фиоз этиб белгилангани ҳам отаналар ва ўқувчиларни хушнуд қилди. Мухими, ушбу ташаббуслар рўёби туғайли коллежлардаги даволат кўрсаткичи янада яхшиланди.

Аҳмодали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТААССУРОТ

Наманган шаҳри мезбонлик қилган "Баркамол авлод — 2014" спорт ўйинлари қизгин ва ҳалол курашлар руҳида, ўзаро ҳурмат, баргиреклик муҳитида ўтди. Иштирокчиларга завқу шавқ, ҳаяжонли ва унутилмас онларни туҳфа этган ушбу беллашувлар, айтиш мумкинки, мамлакатимизда шаклланган уч босқичли спорт мусобақаларининг самарадорлигини яна бир қарра кўрсатиб берди. Чунки ўзининг дастлабки ютуқларини "Умид ниҳоллари"да қўлга киритган жуда кўплаб ёшларнинг эндиликдаги натижалари сезиларли даражада яхшилانгани кузатилди, қолаверса, янги номлар кашф этилди. Кўзга кўринган мутахассислар ишонч билан таъкидлаётганидек, улар келгусида юртимизнинг спортдаги муваффақиятларини янада мустаҳкамлашга қодир ўғил-қизлардир.



Миржало ҚОСИМОВ, футбол бўйича "Баркамол авлод — 2014" спорт ўйинларининг кумуш медали соҳиби (Қашқадарё вилояти):

— Ота-онам ўзбек футболининг машҳур юлдузи Миржало Қосимовга ўхшаган зўр футболчи бўлсин, дея менга шу инсоннинг исминини қўйишган. Шунданми, ҳар гал майдонга тушсам, кўпчилик қизиқиб, ўйинимни кузатади. Доим эътиборда турганимни ҳис қиламан ва шу боис ҳам ўз устимда мунтазам ишлашга, маҳоратимни оширишга боримизга интиламан. "Баркамол авлод — 2014" мусобақаларининг футбол беллашувларида иккинчи ўринни эгалладик. Учрашувлар вақтида ўриндиларнинг томошабинлар билан бўлиб-тошгани кайфиятимизга ижобий таъсир қилди. Умуман, катта тажриба тўпладик.

Наманганда ўтказилган спорт байрами, бу гўзал шахардан олган таассуротларимиз узоқ вақт ёдимдан чиқмайди. Сабаби, қизгин баҳслар жўшқин лаҳзаларни туҳфа этган бўлса, мафтункор шаҳарни айланиб, унинг кўрקי ва таровати, ўзига хос жозибасидан завқ олдик. Биз, ёшларга оталарча гамхўрлик кўрсатиб, барча шарт-шароитни яратиб бераётган Президентимиздан чексиз миннатдоримиз.

Ш. ОРТИҚОВ, Қ. НАЖМИДИНОВ ёзиб олди.

Унутилмас дамлар сурури

Ноҳира ШАМСУТДИНОВА, сузиш бўйича "Баркамол авлод — 2014" спорт мусобақалари гóлиби (Анджон вилóяти):

— Бир неча йилдан бери спортнинг сузиш тури билан мунтазам шуғулламан. Кўплаб тенгқурларим қатори менинг ҳам орзуларим улкан — халқаро мусобақаларда, Олимпиада ўйинларида қатнашсам, ўз иқтидоримни кўрсатсам, дейман. Ана шундай маррага етишимизда, албатта, уч босқичли спорт ўйинлари катта мактаб вазифасини ўтади. Узимдан қиёс. 2009 йилда Гулистонда ўтказилган "Умид ниҳоллари"да 3 та кумуш медалини қўлга киритган эдим. 2012 йилда Навоийда ташкил этилган навбатдаги баҳсларда янада кўпроқ — 2 та олтин, 2 та кумуш медалга сазовор бўлдим. "Баркамол авлод — 2014"да эса 100 ва 200 метрларга брасс, 4х50 метрга эстафета бўйича эркин ва аралаш усулларда сузишда тўрт бор шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдим. Энди навбат — Универсиада босқичига. Унда маҳоратимни оширсам, ўй-хаёлларимни, албатта, ҳақиқатга айлантираман.

Сардор РАВШАНОВ, энгил атлетика бўйича "Баркамол авлод — 2014" спорт ўйинлари совриндори (Жиззах вилóяти):

— "Баркамол авлод"нинг финал босқичида иштирок этишнинг ўзи фахрланса арзийдиган ҳолат. Бир йўла учта медалини қўлга киритганим эса, мен учун қувонч устига қувонч бўлди. Бундай мусобақалар маҳоратимизни оширишга, ўзимизга бўлган ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Навбатдаги "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг республика босқичи Жиззахда ўтказилишидан хурсандимиз. Вилóятимиз мезбонлик қиладиган беллашувлар ҳам юксак савияда ташкил этилишига ишончимиз қомил.

Давлат ИСМАТОВ, эркин кураш бўйича кумуш медали соҳиби (Навоий вилóяти):

— Мен ҳал қилувчи беллашувдагина имкониятни бой бериб, иккинчи ўрин билан қифояландим. Лекин руҳимни туширганим йўқ. Ўз устимда янада кўпроқ ишлашим кераклигини тушундим. Насиб этса, Универсиадада гóлибликка эришаман.

Биласизми, мен бирорта мусобақада бунчалик ҳаяжонланмагандим. Мухими, узоқ вақт кўрган тайёргарликларимиз натижа берди — қўл тўпи бўйича баҳсларда жамоамиз билан биринчи ўринни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлдик. Мезбон сифатида бу ютуқ биз учун жудам қадрли. Лекин унга осонликча эришганимиз йўқ. Чунки тенгқурларимизнинг ҳар бири маҳоратли эди. Мусобақалар кўтарини кайфиятда ўтди. Бу кунларни сира унутмаймиз.

Advertisement for 'Xalq Sözi' newspaper. It includes contact information for the printing plant (Eylonlar), a list of services offered (typesetting, design, printing), and a list of advertising rates for different sections and positions. The ad also mentions the newspaper's circulation (100,000) and its location in Tashkent.